

Изчил ислохотларнинг ҳуқуқий кафолати

Фуқаро авиациясининг янада юксалишига хизмат қилади

Истиклол йилларида мамлакатимиз фуқаро авиацияси тизимида ислохотларнинг изчил амалга оширилиши юксак натижаларни қўлга киритишга замин яратди. Таъкидлаш жоизки, мазкур тармоқ ўзининг йигирма йиллик ривожланиши даврида улкан ва шарафли йўлни босиб ўтди. Хусусан, жабха раванқи учун зарур ҳуқуқий пойдевор ҳамда ташкилий шарт-шароитларнинг яратилиши юртимизнинг кўплаб хорижий давлатлар билан ҳамкорлиги янада кенгайтириши, алоқаларнинг мустаҳкамланиши, янги уфқларни очишда катта аҳамият касб этди.

Қонун кучга кирди

Айни чоғда авиация хавфсизлиги ва парвозларнинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш, авиация техникасига замон талаблари доирасида хизмат кўрсатишда энг илғор технологияларни кенг қўллаш, қолаверса, малакали кадрлар тайёрлаш борасида эришилаётган юксак натижалар нуфузли халқаро авиация ташкилотлари ҳамда экспертлар томонидан мудома эътироф этиб келинаётгани қувонарлиқдир, албатта.

Шубҳасиз, Президентимизнинг 1992 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Миллий авиаконанясини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармони соҳа ривожига муҳим дастуриламал бўлди. Зеро, ушбу Фармонга мувофиқ, мазкур йўналиш бўйича ишончли, хавфсиз, замонавий ва юқори даражада сервис хизматлари кўрсатувчи мустаҳкам тизимга асос солинди.

Жумладан, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиаконаняси (МАК)нинг авиатехпаркларни босқичма-босқич модернизация қилинди. Эски русумдаги самолётлар ўрнига дунё авиасаноатида етакчи ҳисобланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган, халқаро стандартлар талабларига тўла жавоб берадиган, ҳар жиҳатдан мукамал ҳаво лайнерлари олиб келинди.

Миллий авиаконанясида рамизи туширилган биринчи замонавий “А-310” самолёти 1993 йилнинг

июнь ойида парвозини бошлаган бўлса, кейинчалик авиаконаняси паркларини “B-767-3ER”, “B-757-200”, “B-767-300ER”, “A-320”, “RJ-85” ҳамда ўзимизда ишлаб чиқарилган ва маҳаллий шартномага мос “Ил-114-100” сингари самолётлар билан бойитилди.

Айни чоғда республикамизнинг барча аэропортлари модернизация қилинди. Жаҳон андозаларига мос учиб ва қўниш майдонлари, йўловчилар перрони, аэродром каби объектлар ҳамда миллий ва замонавий мейморчилик аъёналарини ўзига мўжасманлаштирган аэропортлар тармоғи барпо этилди.

Хозирги кунга келиб, замонавий ҳаво кемалари билан таъминланган “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиаконаняси дунёнинг 25 дан зиёд мамлакатга парвозларни амалга оширмоқда. Шунингдек, йилга қарий 75 мингта транзит йўналишининг ҳаво ҳаракатларини бошқармоқда. Яъни Ўзбекистон авиацияси халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлгани ҳолда, дунёнинг кўплаб мамлакатларига учиб бораётган авиацияси билан ҳамкорликни амалга ошираётган.

Бундай ижобий ўзгаришлар ва барқарор фаолият юритишда 1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси қабул қилингани салмоқли роль ўйнади. Фуқаро авиацияси соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишининг

ушбу муҳим ҳуқуқий асоси мамлакатимиз авиациясининг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантиришда катта ўрин тутди.

Ўзбекистон авиация соҳасидаги бир қатор халқаро шартномалар, хусусан, Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция (Чикаго, 1944 йил 7 декабрь), Халқаро ҳаво йўлларида транзит тўғрисидаги Битим (Чикаго, 1944 йил 7 декабрь), Ҳаво кемаларига ҳуқуқларини халқаро тан олинмиши тўғрисидаги Конвенция (Женева, 1948 йил 19 июнь), Ҳаво орқали халқаро ташшига тааллуқли айрим қоидаларни бир хиллаштиришга доир Конвенция (Варшава, 1929 йил 12 октябрь) ва унга қўшимча протоколларига қўшилгани, мамлакатимиз мазкур халқаро шартномалар талабларига амал қилиб келаётганини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Табииyki, барча жабхаларга бўлгани каби авиация соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси ишторкисчи ҳисобланган соҳага оид қўшимча шартномалар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, қолаверса, қонун ҳужжатларини парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга доир янги нормалар билан тўлдириш ҳаётининг долзарб талабидир.

Яқинда парламент палаталари томонидан қабул қилинган ва Президенти

дентимиз томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси”га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун ана шу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Унга мувофиқ, Кодекс ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш масалаларини тартибга солишга ва йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларини белгилайдиган моддалар билан тўлдирилди.

Чунончи, унда ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан берилган ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификати асосида бажарилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонунда йўловчининг ҳаво кемасидаги тартиб-қоидаларга риоя этиши, ҳаво кемаси командирининг ёки экипаж аъзосининг ҳаво кемаси командирини номидан берган парвоз ва ҳаво кемаси ичидаги одамлар хавфсизлигини, мол-мулк бут сақланишини, ташқи шартномасини ижро этиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш тартиби ва имкониятини таъминлашга доир фармойишларини бажариши шартлиги ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, Ҳаво кодексининг айрим моддалари матни янги тахрирда баён этилган. Жумладан, Кодекснинг самовий ҳудуднинг таснифи; ҳаво кемасида жой баңд қилиб қўйиш; ҳаво транспортида ташқи шартномасини ташувчининг ёки йўловчининг ташаббуси билан беқор қилиш; юқининг ёки қўл юқининг олинмаслиги ва кечикчи олинмиши; ташқи шартнома-реклама таъминоти; ташувчининг масъулиятини

тартибга солишининг умумий принциплари; ташувчининг юқининг бутлиги учун жавобгарлиги масалаларини тартибга солиш нормалари такомиллаштирилди.

Айниқса, унинг аэронавигация ва аэропорт йиғимлари, чартер шартномаси ҳамда йўловчиларга курсатилган хизматлар ва бериладиган имтиёзларнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириши кўзда тутувчи янги қисмлар билан тўлдирилгани бугунги замон талабларига муштарак эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу билан бир қаторда, Қонунга асосан, ҳаво кемасини ижарога беришда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўтказилиши, ҳаво транспортида ташқи шартномаларини бажариш тартибга солиш ва авиация ишларини бажариш қоидалари, йўловчининг ўлими ёки соғлиғига етказилган зарар учун ташувчининг жавобгарлиги, юк, қўл юқи, шунингдек, йўловчи ёнидаги буюмларнинг йўқолиши, қамомади ва уларга етказилган зарар учун ташувчи масъулиятининг миқдори ҳамда талаб қўйиш тартиби масалаларига аниқлик киритилди ва улар янги тахрирда баён этиб берилди.

Муҳтасар айтганда, мазкур Қонуннинг қабул қилинганлиги муносабатини мамлакатимизнинг фуқаро авиацияси соҳасини тартибга солишчи амалдаги қонун ҳужжатлари халқаро шартномалар нормалари асосида янада такомиллаштирилди. Бу эса, ўз навбатида, фуқаро авиацияси хавфсизлиги ва парвозларнинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш, авиация техникаларига жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишда алоҳида аҳамият касб этди. Айни чоғда у мамлакатимиз халқ ҳўжалиги ва фуқаролар эҳтиёжларини қондириш мақсадларида авиация фаолиятини ҳамда самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Эркин ХАЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти бўлими
бошлиғи вазиносини
бажарувчиси.



Юқори сифат — самарадорлик гарови

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Корхонамизда кенг қўлмали модернизация ишлари амалга оширилди. Масалан, эски технологиялар ўрнига хориждан кўриштирилган, тозалаш, тала ажратиш ва тойлаш ускуналарини келтириб ўрнатдик. — дейди корхона бош мўхандиси Улугбек Нишонов. — Бу замонавий ускуналар юқори унумдорлиги ва электр энергиясини тежаси билан ажралиб туради. Қолаверса, унинг ёрдамида бир кеча-кундузда 180 тоннага яқин хом ашёни қайта ишлаш мўкин. Шу тариха жамиятимиз республикамиздаги ушбу йўналишда фаолият юритувчи илгор корхоналар қаторига қўшилди. Бошқача айтганда, нафақат туманимизда етиштирилган 15 минг тонна пахта хом ашёсини, балки қўшни ҳудудлар пахтасини ҳам қайта ишлаш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, корхонанинг ус-тахона, лаборатория, тарихзонаси қайта таъмирланди, ишчилар учун барча шарт-шароит яратилгани, унинг худудида махсус “Қишки боғ” ташкил этилгани, шунингдек, ундан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шох-бачалари ишга туширилгани бу ерда иш унумдорлиги янада юқори бўлиши ва сифатли махсулот олинишидан далолат беради.

Дилшод УЛУГМУРDOV,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТЛАР: жамият фаолиятдан лавҳалар.

Ҳасан ПАЙDOEV
олган суратлар.

Тадбиркорлик ва ишончли ҳимоя

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ушбу судларга бўлган ишончнинг ошиши, аввало, уларнинг фуқаро ва тадбиркорлар учун кўплаб қулайлик ҳамда афзалликларга эга экани билан бевосита боғлиқ. Жумладан, фуқаро ёки ҳўжалик юритувчи субъектлар ўрта-сида вужудга келган низолар бу ерда қисқа муддатда — ўртача 5-10 иш кунинда ҳал қилинади ҳамда ишни қўриш учун ваколатли судга сарф этиладиган давлат божи ўрнига 50 фоиз ҳақамлик йиғими тўланади. Мўхими, низоли ҳолат тарафлар розилиги асосида ва ёпиқ тарзда қўрилиб, бу борадаги маълумотлар сир сақланади. Яна бир муҳим жиҳати, ҳақамлик суддан юқори турувчи бошқа инстанция мавжуд эмас. Бундай афзалликлар фуқаро ва тадбиркорлик субъектлари учун қулайлик яратибгина қолмай, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди, албатта.

Шу ўринда ҳақамлик судлари фаолиятини кучайтириш, улар нуфузини оширишда Ўзбекистон Ҳақамлик судлари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган академиянинг ҳам катта ўрни борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Зеро, ушбу маскан соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш бўлиши ҳамда ишни қўриш учун ваколатли судга сарф этиладиган давлат божи ўрнига 50 фоиз ҳақамлик йиғими тўланади. Мўхими, низоли ҳолат тарафлар розилиги асосида ва ёпиқ тарзда қўрилиб, бу борадаги маълумотлар сир сақланади. Яна бир муҳим жиҳати, ҳақамлик суддан юқори турувчи бошқа инстанция мавжуд эмас. Бундай афзалликлар фуқаро ва тадбиркорлик субъектлари учун қулайлик яратибгина қолмай, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди, албатта.

Шу ўринда ҳақамлик судлари фаолиятини кучайтириш, улар нуфузини оширишда Ўзбекистон Ҳақамлик судлари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган академиянинг ҳам катта ўрни борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Зеро, ушбу маскан соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш бўлиши ҳамда ишни қўриш учун ваколатли судга сарф этиладиган давлат божи ўрнига 50 фоиз ҳақамлик йиғими тўланади. Мўхими, низоли ҳолат тарафлар розилиги асосида ва ёпиқ тарзда қўрилиб, бу борадаги маълумотлар сир сақланади. Яна бир муҳим жиҳати, ҳақамлик суддан юқори турувчи бошқа инстанция мавжуд эмас. Бундай афзалликлар фуқаро ва тадбиркорлик субъектлари учун қулайлик яратибгина қолмай, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди, албатта.

Умуман олганда, юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг узвий қисми сифатида ҳақамлик судлари фаолияти миллий ва халқаро тажрибалар асосида ривожлантирилмоқда. Бу, шубҳасиз, фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг суд, хусусан, ҳақамлик судларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, пировардида жамиятимизда адолат тамойили қарор топиши ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминланишига хизмат қилаётган.

Собир ФАЯЗOV,
Ўзбекистон Ҳақамлик судлари ассоциацияси
раиси ўринбосари.

Навоий томонларда

Кредит даромад келтирди

Зарафшон шаҳрида “Моҳитобон-Зарафшон” масъулияти чекланган жамияти томонидан йодланган ош тузи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунда банкнинг 120 миллион сўмлик кредити қўл келди.

— Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда махсулотимизнинг аҳамияти беқимёс, — дейди корхона раҳбари Акрам Салимов. — Айни пайтда бу ерда кунига 10 тоннага чаман йодланган ош тузи бежирим идишларда қадоқланиб, худудида савдо шох-бачаларига етказиб берилмоқда.

Этиборлиси, Зарафшон шаҳрида шу каби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишга туширилиши билан жорий йилнинг ўтган саккиз ойида 500 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

Кимёгарлар ташаббуси

Паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва боғдорчилик — аграр соҳанинг энг сердаромад йўналишларидан ҳисобланади.

Навбахор туманида мазкур тармоқларни ривожлантириш ҳисобига жорий йилнинг ўтган саккиз ойида 1154 та иш ўрни яратилгани эътиборлидир.

Бунда «Навбахорпарранда» масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. «Қишлоқ ҳўжаликкимё» бирлашмасининг туман филиали ташаббуси билан ташкил этилган ушбу корхонада айни пайтда 10 мингта наслдор жўжа парваришланмоқда.

— Хозирданок дастлабки натижаларга эриша бошладик, — дейди корхона раҳбари Азамат Исмолов. — Қисқа муддатда аҳоли дастурхонига 6 тоннадан ортиқ пархез гўшт етказиб бердик. Энди фаолиятимизни янада кенгайтириш ҳаракатидамиз.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Этиборлиси, ўтган йиллар давомида Фонд, унинг худудий бўлими ҳамда бўлимчалари томонидан бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида турли маънавий-маърифий тадбирлар изчил олиб борилмоқда. Бунда маҳаллаларда “Маънавият тарғиботи” жамоатчилик комиссияси, “Маънавият хоналари”, 3400 дан зиёд ахборот-ресурс марказлари ташкил этилган муҳим аҳамиятга эга бўлаётти. Айни чоғда таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда ёшларни оилага тайёрлаш, бунда миллий кўриқнинг аҳамияти бўйича 6 мингта яқин давра суҳбати уюштирилди. Шунингдек, кўпни қўриган отахону онахонлардан иборат жамоатчилик кенгашлари кўмагида фуқаролар йиғинларига тўй ва маросимларни ихчам тарзда ўтказиш чоралари қўрилди.

— Мустаҳкам оила йилда ота-оналарнинг ёш авлод тарбияси билан боғлиқ ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гаваҳр Алимов. — Бунда, айниқса, фуқаролар йиғинлари қошида “Ота-оналар университети” фаолияти йўлга қўйилгани эътиборда молиқдир. Матбуот анжуманида алоҳида қайд этилганидек, фуқароларнинг ўзини

ўзи бошқариш органлари томонидан қўрилган аҳоли қатламларини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу хайрли юмушга кенг жамоатчиликни жалб этиш чоралари қўрилмоқда. Бундай эзгу ишларда Фонд маҳаллалар билан яқиндан иш олиб

Фуқаролик жамиятининг муҳим институти

бораяпти. Жумладан, Фонд томонидан Меҳрибонлик ва Саховат ўйлари ҳамда махсус мактаб-интернатларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг моддий-техника базасини яхшилашга қўйилган маблағлар, улар тарбияланувчилари ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилаларга кийим-кечаклар бепул тарқатилган. Шу билан бирга, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари муносабати билан ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашарлари давомида ёлғиз кексалар турархўйларини таъмирлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳам хайрли аънамага айланди. Биргина жорий йилда Мустақиллик байрами арафасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари кунлари 8952 нафар ногиронга 278,1 миллион, 6142 нафар яқин-ёлғиз қарияга 212,4 миллион, 7818 нафар боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилга 280,9 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани бунинг бир мисолидир.

— Маҳаллалар иш фаолияти лар йиғини раиси Хайринисо Мирзаденова. — Айниқса, маҳалланинг ҳуқуқий асослари, одам савдосига қарши курашиши, оғоҳлик, оила ва никоҳ, ижтимоий ҳимоя ва бошқа йўналишларда тайёрланган ҳамда тақдим этилаётган қонун ҳужжатлари тўғрисида, қўлланмалар ва адабиётларнинг аҳамияти катта бўлаётган. Булар маҳаллалар ходимларининг билим савиясини оширишда қўл келаяпти. Шу билан бир қаторда, Президентимизнинг жорий йил 9 июлдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш билан бирга, улар зиммасидаги масъулиятни янада оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Матбуот анжуманида Фонднинг олдидан турган устувор вазифалар ҳам таҳлил этилди. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш,

самарадорлигини оширишда Фонд томонидан ўтказиб келинаётган ўқув-семинарлар, тақдим этилган турли услубий қўлланмалар, кўргазмалар қуроллар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, — дейди ўрта Чирчиқ туманидаги “Қумовул” қишлоқ фуқаро-

ислохотлар жараёнида уларнинг ролини юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишини қўлайтириш, соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги фаолиятини бугунги кун талаби даражасида ташкил этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

— Истикболда амалга оширишимиз керак бўлган кўплаб вазифалар турлидир, — дейди Фонднинг Ангрен шаҳар бўлимчиси раиси Отабек Аноров. — “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури

ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини қўлайтириш ана шулар жумласидандир. Айниқса, Концепцияда кўрсатиб ўтилгандек, маҳалла аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистонда корейс фильмлари фестивали

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги Т. Қўзиёев ва бошқаруви мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда, жумладан, маданий-гуманитар соҳада ҳам изчил раванк топаётганини таъкидлади. Икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Кино санъати халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлаш, эзгу ғояларни тарғиб этишда беқимёс ўрнига эга. Ўзбекистон билан Жанубий Корея кино ижодкорлари мамлакатларимизда ўтказиладиган кинофестивалларда мунтазам иштирок этиб келаётган.

— Ўзбекистон билан Жанубий Корея ҳамкорлиги савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий ва гуманитар соҳаларда изчил тарқайиб кетмоқда, — дейди Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван. — Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон буй маданияти ва тарихи билан жаҳонга машҳур. Ўзбек кино усталари суратга олган қатор фильмлар нуфузли халқаро кинофестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлаётгани эътиборга молик. Мазкур фестивалда намойиш этиладиган корейс фильмлари Ўзбекистонлик кино мухлисларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Кино анжумани давомида корейлик кино усталарининг “Марафончи”, “Бугун”, “Ҳаётимиздаги энг яхши лаҳза” ва “Буюк ошпаз” фильмлари намойиш этилди. Уларда корейс халқининг турмуш тарзи, урф-одат ва аъёналари, санъати ва маданияти ҳамда ёшлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинган.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗД мухбири.



Интилиш

Бугунги кунда аграр тармоқ ривожига фермерларнинг ҳиссаси катта. Айниқса, кейинги йилларда амалга оширилган изчил ислохотлар самараси ўларок, соҳа вакиллари иқтисодий-тимиз барқарорлигини таъминловчи етакчи кунга айланиб бораётган.

Фермернинг замонавий корхонаси

Шу билан бирга, Президентимиз таъкидлаганидек, “Фермерлик ҳаракатимизнинг келажаги фақат деҳқончилик билан бўлади эмас. Фермерларимиз ўзи етиштирилган махсулотини ўзи қайта ишлаши, санаот ривожига муҳим ўрин эгаллаши даркор...”

Кўнгирот туманидаги “Тўртқара сексен” фермер ҳўжалиги раҳбари Марат Ариқбаев ҳам ана шундай изланувчан ва ташаббускор фермерлардан бири. У яқинда ўзи бошқарётган ҳўжалик қрошида “Мадина” сўни қайта ишлаш корхонаси фаолиятини йўлга қўйди. Қишлоқ мулкдорининг истиқболли лойиҳаси

банк мутасаддиларига маъкул тушиб, унга 460 миллион сўмлик кредит ажратилди. Сарможа корхона учун замонавий бино қуриш ҳамда ишлаб чиқариш цехларини Италиядан келтирилган илгор технологиялар билан жиҳозлашга тарғиланди. Наттижа кўп ўтмай буй кўрсатди. Қайта ишлаш жараёнига киришилди. Жом ашёни тўмондаги 11 чорвачилик ҳўжалиги шартнома асосида етказиб бера бошлади.

— Маҳаллий ёшлардан етти нафарини доимий иш билан таъминладик, — дейди М. Ариқбаев. — Улар томонидан тайёрланган дастлабки махсулотлар истеъмолчилар-

га манзур бўлди. Буюртмачилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Хусусан, хозир кунига минг литр сўтни қайта ишлаб, Қўнгирот сода заводи, тумандаги асфальт ишлаб чиқариш корхонаси, бир нента мактабгача таълим муассасаларига махсулот етказиб бераёلمиз.

Фермернинг истиқболдаги режалари янада улкан. У айни пайтда корхона фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали яна ўнлаб йиғит-қизларини доимий дарома

Фаровонликка йўналтирилган сармоялар



Мамлакатимизда истиқолнинг илк йиллариданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор туфайли иқтисодий тизимизда улкан ўзгаришлар кузатилди ҳамда ишбилармонлар учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Бугун ушбу йўналишда изчил амалга оширилган ислохотларнинг самараси нафақат республикамиз, балки халқаро миқёсда ҳам тан олинди, эътироф этилмоқда.

Бунга яқинда пойтахтимизда "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзuida ўтказилган халқаро конференцияда яна бир бор гувоҳ бўлдик. Биласиз, ҳар бир соҳа тараққиётини белгиловчи муҳим омиллар мавжуд. Шу маънода, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизimini янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки, жумладан, унинг Навоий вилояти филиали учун янгича талаблар ҳамда замонавий услублар асосида фаолият юритишда дастуриламал бўлмоқда. Бугунги кунда мазкур банк филиалининг 4 минибанки, 56 жангарма ва аҳолидан барча тўловларни қабул қилувчи мах-

сус кассалари орқали элик минг нафарга яқин юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатилмоқда. 2012 йилнинг тўққиз ойи давомида филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 22,2 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди ва бунинг натижасида 167 та иш ўрни яратилди. Қолаверса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳам кредитлар ажратилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 26 январда қабул қилинган "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун имтиёзли шартлар асосида кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 бараварга ошди, маҳсулот сифати яшиланди.

Шу билан бирга, вилоятда ички бозорни сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида "Навоий Кафолат Қурилиш" хусусий корхонасига паррандачиликни ривожлантириш мақсадида кредит берилди. Бу маблағ ҳисобига хориздан паррандани парвариш қилишга мўлжалланган қафаслар ва 20 минг бош товуқ сотиб олинди. Пировадда корхонада 20 та иш ўрни яратилиб, халқимиз дастурхони учун сифатли, парҳезоб тухум ва гўшт маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Шу пайтгача корхона томонидан 599,5 миллион сўм миқдорда тухум ва 551,4 миллион сўм миқдорда товуқ гўшти маҳсулотлари сотилгани аҳамиятлидир. Юртбошимиз томонидан 2012 йилнинг "Мус-

таҳкам оила йили" деб эълон қилиниши оилаларни, айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун кенг имконият ва имтиёзлар яратди. Ушбу имкониятлардан фойдаланиб, банкнинг Навоий вилояти филиали томонидан қишлоқ аҳолиси учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, паррандачилик ва асаларчилик фаолияти билан шуғулланишларига кўмаклашиш мақсадида шахсий ёрдамчи хўжаликлар ташкил этишга микрокредитлар ажратилди ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хабарингиз бор, ҳозирги кунда касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш устувор вазифалардан биридир. Бу борада ишлаб чиқилган чора-тадбирлар асосида йигит-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун 37 нафар битирувчига банк филиали томонидан жорий йил давомида 116 миллион сўмлик кредит ажратилиб, уларнинг муқим иш билан таъминланишига эришилди.

Мухтасар айтганда, "Асака" банкнинг Навоий вилояти филиали жамоаси ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш борасидаги ижобий ишларни янада изчил давом эттириш ниятида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Банк матбуот хизмати.

«ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ» ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ

Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун қурилиш техникаси махсус транспорт қурилиш асбоблари кичик механизация воситалари технологик жиҳозлар

ЛИЗИНГ 1 йилдан 5 йилгача

Лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли равишда тежаш имкониятига эга бўласиз.

Лизинг шартлари ҳар бир миқоз учун алоҳида тарзда белгиланади.

2013 йилга ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

- МАВЖУД ТЕХНИКА АНЖОМЛАР:
- ТРУБА ЕТКИЗГИЧ «PipeLineMan PMGY-70»;
 - ЮК ОРТГИЧ ЭКСКАВАТОР «CHANGLIN WZ 30-25»;
 - 25 тонна ЮК КЎТАРИШ ҚЎВВАТИГА ЭГА БЎЛГАН АВТОСАМОСВАЛ;
 - ЦЕМЕНТ ТАШИГИЧЛАР 45 куб. м.;
 - ФРОНТАЛ ЮК ОРТГИЧ «CHANGLIN ZL50H».
- ШУНИНГДЕК, КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:
- БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМА БУ-0,5 М;
 - РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ МОДЕЛДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛТАЛАР;
 - ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОН АРАЛАШТИРИГИЧЛАР.
- КЕЛИШИ КУТИЛАЁТГАН УСКУНАЛАР:
- «HYUNDAI» РУСУМЛИ ГИЛДИРАКЛИ ВА ЗАНЖИРЛИ ЭКСКАВАТОРЛАР.

Барча тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-«А» уй.

www.qurilish-lizing.uz

E-mail: kurilish2003@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган.

Тел.: (8-371) 250-73-14. Тел./ф.: (8-371) 250-51-04. Моб.: 189-95-41, (+99890) 958-61-61.

«CHINOZ BALIQLARGA OMUKTA YEM TAYYORLASH KORKONASI» МЧЖ

сифатли хом ашёдан балиқлар ва қорамоллар учун ҳар бир хўжаликка алоҳида мос келувчи рецепт асосида оқсилга бой донатор омикта ем ишлаб чиқаради.

Хўжаликдаги балиқ, қорамол ҳамда паррандани тўлиқ рақсонли, донатор омикта ем билан боқиб олинган маҳсулот ҳажми 25 — 30 фозга оширади, емлаш муддатини, маҳсулот бирлигига сарфланган харажатни, маҳсулот таннархини қисқартиради, қилинган меҳнат самарадорлигини, маҳсулот сифатини оширади.

Бизнинг манзил: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Гулзообод» ҚФЙ.

Телефонлар: (+99893) 577-86-94, (+99894) 660-48-28, (+99871) 215-51-52. Факс: (+99871) 233-18-12.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

Ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

ТАРОЗИЛАР Micros

0,0001 гр. дан 250 тоннагача

ИЖАРАГА кран тарозилари бор

Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис

Илрик ишлаб чиқариш корхонаси танлов асосида СЕКРЕТАРЬ-РЕФЕРЕНТ лавозимига ишга тақлиф қилади.

Рус ва ўзбек тилларини аъло даражада билиш, шуниингдек, офис техникаларини мукамал фойдалана олиш талаб қилинади.

Мурожаат учун тел.: (8-371) 241-31-94, 241-09-93, (+99890) 167-17-58.

Ҳамкорликдан миннатдоримиз

Илгор технология, қулай иш муҳити, малакали кадрлар... Буларнинг барчаси — бизнени муваффақиятли йўлга қўйишнинг энг муҳим омиллари. Бирок ишлаб чиқариш жараёни, кўп жиҳатдан, молиявий манбаларга ҳам боғлиқ.

Дил сўзи

Шу маънода, мамлакатимизда ишбилармонлар, кичик бизнес субъектларининг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани, уларга молия муассасаларининг кредит ва имтиёзли сармоялари ажратилаётгани эътиборга лойиқ. Биз ҳам ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ромитан туманида "Имидж Текстиль" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этгандик. Кўп ўтмай, бозор талаблари ўрганилиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда маҳсулотларимиз сифатини янада яхшилаш госяи туғилди. Замонавий ускуналар харид қилиш юзасидан тайёрлаган бизнес-лойиҳамиз "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки Бухоро шаҳар филиали мутасаддиларига маъкул бўлди. Қисқа муддатда мурожаатимиз ижобий ҳал этилиб, тегишли сармоя ажратилди. Бу маблағни цехларимизни модернизация қилишга йўналтирдик. Пировадда 85 та қўшимча иш ўрни яратилди. Ҳозир ҳақон стандартларига мос,

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Очик аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулк куйилимоқда:

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2010 йил 10 августдаги 2-58/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Истиклол кўчаси, 16-уйда жойлашган «Истанбул» кафеси.

Бошланғич баҳоси — 513 000 000 сўм.

Очик аукцион савдоси 2012 йил 29 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан Қўқон шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорларни қизиқтирган барча саволлар бўйича куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 43-уй, «EFFECT REAL GROUP» МЧЖ. Телефон: (+99895) 404-54-84.

Лицензия RR: 0094.

SONATA

NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

HYUNDAI

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

DONGNAM UZ MOTORS

Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99. www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

(Давоми. Бошланиш 1-бетда.)

Айни пайтда ҳам шарҳда бунёдкорлик ишлари кизгин. Самарқанд шаҳрини 2009 — 2012 йилларда ободонлаштириш ва ихтимой инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, худуднинг асосий дарвозала-

бед, Панжакент кўчаларида реконструкция ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, 8 миллиард 500 миллион сўм эвазига "Сиеб" деҳқон бозори мукамал таъмирланиб, ёнтрофи ободонлаштирилди. Мирзо Улуғбек расадхонаси худудда янги музей биноси, кенг майдон

(сопол қувур)лардан сув тушиб, ариқчалар орқали ташқарига отилиб турган. Бундай гўзал манзараларни ўша давр мусавирлари яратган асарларда ҳам кўриш мумкин. Ҳозирги кунда шаҳар фавворалари замонавий фан-техника ютуқлари асосида бунёд этилмоқда. Хусусан, "Йулбарслар май-



Ўтмиш ва келажак уйғунлашган замин

ридан бири — аэропорт қайтадан реконструкция қилиниб, дунё андозалари даражасидаги ириқ авианашоотга айланди. Шунингдек, мураккаб меъморий ечимга эга, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, сангтарошлик намуналарини ўзида акс эттирган кўп қаватли тураржойлар, мамырий бинолар, ижтимоий соҳа объектлари, савдо ва маиший хизмат

ва сўлим хиёбон барпо этилди. Айниқса, кейинги йилларда бунёд этилган бири-бирдан мафтункор фавворалар кўна шаҳарни яшнатиб юборди. Бу иншоотлар сув сигими, эгаллаган майдони, меъморий шаклига кўра, бири-бирдан фарқланади. Айниқса, Ёшлар маркази биноси, Гўри Амир мақбараси ва вокзал бо-

ғидони" ҳамда вокзал боғида шундай иншоотлардан оқшом маҳали махсус рангли нурлар, Регистон ва Кулолон кўчалари кешмишган худуддаги фавворадан эса мусика садолари таралиб туради. Бу эса Самарқандни янада тароватли ва фусункор қилиб кўрсатади. Шу боис бу ерлардан зиёратчилар қадами узилмайди.

шаҳарларидаги кўчалардан асло қолишмайди.

— Юртингиз, гўзал шаҳарларингиз, миллий урф-одатларингиз билан танишиб, Ўзбекистонга мафтун бўлдим, — дейди австралиялик сайёх Брейден Вилсон. — Хусусан, Самарқанддаги тарихий ёдгорликлар, ноёб муҳандислик лойиҳалари асосида яратилган иморатлар, халқ амалий санъати дурдоналари менда ажойиб таассурот қолдирди. Самарқанд ноҳари, миллий таомларингиз, тотли меваларингиз таъми оғзимда қолди. Бу эртақмонанд шаҳарга, албатта, яна келиш ниятидаман.

Ҳақиқатан ҳам, бүгунги осейшталик, бетимсол бунёдкорлик ишлари, онгу шууримиздаги ўзгаришлар, турмушимиз фаровонлигию насибамиз бутунлиги — буларнинг барча-барчаси истиқлол инъом этган буюк неъматлардир. Бунини тобора яшнаб, яшариб, ўтмиши, бугуни ва келажаги уйғунлашиб бораётган табаррук замин — Самарқанд шаҳри мисолида ҳам кўриб, тараққиётимиз бардавом, келажакимиз буюк эҳалигига яна бир қарра амин бўласиз.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



қўрсатиш шохобчалари ҳамда хусусий уй-жойлар бунёд этилди. Йўллар кенгайтирилиб, транспорт хизмати сифати тубдан яхшиланди. Бинобарин, Ибн Сино, Бўстонсарой, Мирзо Улуғбек, Беруний, Спитамен, Тошкент кўчалари қиёфаси қисқа муддатда таниб бўлмас даражада ўзгарди. Рудакий, Бедил, Дах-

ғидаги фавворалар маҳобати ҳамда мафтункорлиги билан ажралиб туради. Тарихий манбаларда қайд этилишича, ўтмишда ҳам шаҳарда фавворалар бўлган. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темур ўз боғларида турли мрамар ва гуллар билан сайқал берилган фавворасимон ҳовузлар бунёд эттирган. Уларга махсус мослама

монавий қиёфаси билан ҳам киши эътиборини тортади. Кенг ва озода кўчалар, мухташам бинолар, сервайз сайилгоҳлар, майдон ва хиёбонлар одамнинг баҳридлини очади. Айниқса, Тошкент кўчаси менда унутилмас таассурот қолдирди. Юсак меъморий маҳорат билан бунёд этилган ушбу маскан дунёнинг машҳур

Хушxabар

Кеча қитъамизнинг бир қатор мамлакатларида 2014 йили Бразилия давлати мезбонлик қиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш баҳслари бўлиб ўтди.

Сафардаги муҳим галаба

Хабарингиз бор, ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган терма жамоалар тўғридан-тўғри мундиал йўлланмасига эгалик қилади. Айнан шу боисдан бой берилган ҳар бир очко жуда қимматга тушади. Сафарда Қатар терма жамоасига қарши ҳаракат қилган ҳамюртларимиз муҳим галабага эришдилар. Терма жамоамизга қимматли уч очкони келтирган ягона голни учрашувнинг 13-дақиқасида ярим ҳимоячи Санжар Турсунов киритди. Ушбу муваффақиятдан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси беш очко билан гуруҳдаги мавқеини яхшилаб олди. Футболчиларимиз саралаш доирасидаги навбатдаги учрашувни 14 ноябрь кунини Техронда Эрон терма жамоасига қарши ўтказди.

Фазлиддин АБИЛОВ.

Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

видеороликлар тайёрлаш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш учун таклифлар 2012 йил 22 октябрь соат 12.00 гача қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун куйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 36-уй. Телефон: (+99871) 150-76-75. headoffice@qqb.uz

Соғломлаштириш-дам олиш маскани «Маданият сиҳатгоҳи»

тоғолди, экологик тоза, кислородга бой худудда ҳордиқ олишни таклиф этади.

Сиҳатгоҳда 2650 метр чуқурликдаги шифобахш минерал сув ҳамда гиёҳлар, Хитой даво игниси, зулук, массаж, шифобахш суви ванна ва тиббийнинг энг самарали даво усуллари билан

- ошқозон-ичак, жисгар-ўт, буйрак ҳамда буйрак ва ўтда тош ҳосил бўлиши;
- суяк-бўғин, нерв-асаб тизими;
- эркакалар (простатит, заифлик, бепуштлиқ) ва аёллар жинсий хасталиқлари;
- юрак-нафас тизими сурункали касалликлари даволанади.

Даволаниш ва ётқоҳона (мехмонхона) хизмати кунига 14 000 сўм. Тўловни пластик карточка, пул ўтказиш йўли ёки нақд пул билан амалга ошириш мумкин. Манзил: Андижон вилояти, Пахтаобод тумани, Маданият қишлоғи. Телефонлари: (+99893) 428-49-87, 410-49-87, 418-60-13, (+99895) 200-49-87. E-mail: kurortmadaniyat.uz@mail.ru. Лицензия № Ю-0860.

HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO.,LTD.

- ▲ Экскаваторы колесные и гусеничные
- ▲ Фронтальные погрузчики
- ▲ Мини-погрузчики
- ▲ Экскаваторы-погрузчики
- ▲ Вилочные погрузчики

ПОСТАВКИ ИЗ КОРЕИ

ООО «GST OIL» — официальный дистрибьютор в Узбекистане

Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Исик сув, 118. Телефоны: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60. E-mail: gsthyundai@gmail.com Web site: www.hhi.uz

GRAND FLEX

POLIETILEN PAKETLAR VAKUUMLI TERMOOPLAMALI VA TERMOOPLAMASIZ QADOQLAR

Mahsulotingiz ko'rkini bizning vazifamizdir!

O'ZI YELIMLANUVCHI ETIKETKALAR

www.grandflex.uz

+998 71 270-06-76 +998 90 996-06-76

ОБ-ҲАВО

(17 октябрь)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида

0 + 5 +10 +15

Бухоро ва Навоий вилоятларида

+8 +13 +18 +23

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида

+7 +12 +15 +20

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида

+8 +13 +18 +23

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида

+6 +11 +18 +23

Тошкент шаҳрида

+8 +10 +17 +19

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ

кафедралар бўйича куйидаги бун иш (вакант) ўринларига юқори малакали мутахассислар танловини

Эълон қилади.

Хореография кафедраси бўйича: — катта ўқитувчи - 1 ўрин.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100031, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 256-33-59, 256-36-91, факс: 256-24-36.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси катта илмий ходим, филология фанлари доктори Шомирза Турдимовга ораси

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 61 384 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 21.55 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — М. Охунова. Мусахҳиҳ — С. Исломов.